

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«21» сентябрь 2019 г.

№ 793

Toshkent sh.

**Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда худудларни диверсификация килиш ва жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини яхшилашни таъминлайдиган миллый иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатга хорижлик туристлар оқимини ҳамда меҳмонхона фондини кўпайтириш имконини бермоқда.

Андижон вилоятининг Хонобод шахардан Қоракалпоғистон Республикаси Мўйнок шаҳаргача йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда автомагистрал йўллар бўйида туристик хизматлар кўрсатишини ташкил этишни назарда тутувчи “Ўзбекистоннинг туристик магистрали” туристик транспорт йўлаги ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, туристик инфратузилманинг жорий ҳолати ва мамлакатимизга келаётган чет эллик фуқаролар ва аҳолига кўрсатилаётган туристик ҳамда бошқа тегишли хизматлар сифати уларни диверсификация килиш ҳамда яхшилашга доир муҳим карорларни киска муддатларда кабул қилишни тақозо этади.

Хусусан, республикадаги автомобилларга ёқилги қуишиш бўйича мавжуд 4 мингдан ортиқ станцияларнинг атиги 20 фоизи санитария-гигиена шохобчалари билан таъминланган. Бу эса фуқаролар, шу жумладан туристларнинг кўплаб мурожаатлари ва шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли ва туристлар учун кўшимча қулай шароитлар яратиш, истеъмолчилар хукуклари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари, автомобилларга газ қуишиш станциялари ва автомобилларга ёқилги қуишиш станцияларини замонавий талабларга мувофик жиҳозлаш ва мослаштириш мақсадида Вазирлар Мажкамаси **карор қиласди**:

1. Автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари (кейинги ўринларда АГТКС деб аталади), автомобилларга газ қуишиш станциялари (кейинги ўринларда АГКС деб аталади) ва автомобилларга ёқилги қуишиш станциялари (кейинги ўринларда АЁКС деб аталади) эгаларига АГТКС, АГКС ва АЁКС худудида конун хужжатлари талабларига мувофик савдо шохобчалари, майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тез овқатланиш шохобчалари ва беспул wi-fi зоналари ташкил қилиш тавсия этилсин.

2. Белгилансинки, 2020 йил 1 мартдан бошлаб жамоат мақсадларига мүлжалланган ва кеча-кундуз ишлайдиган, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гиgieneна шохобчалари билан (кейинги ўринларда санитария-гиgieneна шохобчалари деб аталади) жиҳозланмаган АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларининг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

3. Қуйидагилар:

АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гиgieneна шохобчаларини жиҳозлаш ва мавжудлигини ўрганиш ҳамда мониторинг қилишни ташкил этиш бўйича республика ишчи гурухи (кейинги ўринларда Республика ишчи гурухи деб аталади) 1-иловага мувофиқ таркибда;

АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гиgieneна шохобчаларини жиҳозлаш ва мавжудлигини ўрганиш ҳамда мониторинг қилишни ташкил этиш бўйича ҳудудий ишчи гурух (кейинги ўринларда ҳудудий ишчи гурух деб аталади) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин;

4. АГТКС, АГҚС ва АЁҚСлардаги санитария-гиgieneна шохобчаларини жиҳозлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича тадбирларни амалга ошириш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига Республика ишчи гурухига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, шунингдек, юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш бўйича шахсий масъулият юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Республика ишчи гурухи ва ҳудудий ишчи гуруҳлар ишига давлат бошқа органлари, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин;

Республика ишчи гурухи ва ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ҳамда талаблари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз бажарилиши учун мажбурий ҳисобланади.

6. Республика ишчи гурухи (Қўчқоров, Абдуҳакимов):

уч кун муддатда ушбу қарор талабларини бажариш жадвали ишлаб чиқилиши ва Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар аъзолари ўртасида вазифалар таксимланишини;

барча АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда 2020 йил 1 марта санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гиgieneна шохобчаларининг фаолият кўрсатишини ташкил этишни мувофиқлаштирилиши ва назорат қилинишини;

2020 йил 15 марта бўлган муддатда бажарилган ишлар натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига якуний ахборот киритилишини таъминласин.

7. Ҳудудий ишчи гурухлар:

2019 йил 15 ноябргача бўлган муддатда АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларни уларнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашмасдан, уларда санитария-гигиена шохобчаларининг мавжудлиги ҳамда санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқлиги бўйича тўлиқ хатловдан ўтказсин;

2019 йил 1 декабргача бўлган муддатда хатлов натижаларига кўра, АГТКС, АГҚС ва АЁҚС эгалари бўлган юридик шахсларга аниқланган камчиликларни икки ой муддатда бартараф этиш, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига назорат учун талаблар юборсин;

2020 йил 10 февралгача бўлган муддатда аввал кўйилган талабнинг тўлиқ бажарилганлигини ўргансин ва ушбу талаб бажарилиши таъминланмаган ҳолатда эса, мазкур қарорнинг 9-бандида назарда тутилган чораларни кўллаш тўғрисидаги қарорни тегишли органларга юборсин;

2020 йил 20 февралгача бўлган муддатда АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчаларини жиҳозлаш бўйича бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотни Республика ишчи гурухига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчалари мавжуд бўлиши мажбурийлигини назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар, шунингдек, уларни қуриш бўйича талабларни ўн кун муддатда киритсин ва кейинчалик бажарилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

9. Белгилансинки, ҳудудий ишчи гурухларнинг санитария-гигиена шохобчаларини жиҳозлаш ҳамда санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқлаштириш тўғрисидаги қарорлари ҳамда талаблари, шунингдек, аниқланган камчиликлар икки ой муддатда бартараф этилмаслиги:

“Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳудудий бўлинмалари томонидан – АГТКСларга газ етказиб беришни вақтинча тўхтатиш;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳудудий нефть базалари томонидан – аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунича АЁҚСларга нефть маҳсулотлари етказиб беришни вақтинча тўхтатиш;

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан – лицензия талаблари ва шартлари белгиланган тартибда бажарилмаганлиги муносабати билан АГТКС ва АЁҚСлар орқали сиқилган ва суюлтирилган газни сотиш фаолиятини амалга ошириш лимцензиясининг амал қилишини тўхтатиш ҳақида чоралар кўрилиши учун асос бўлади.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль ёнилғиси куйиш шохобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарорининг 4-банди олтинчи хатбошига мувофиқ Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ваколатли давлат органлари билан биргаликда АЁҚШларни санитария, экология, ёнгин хавфсизлиги ва савдо қоидаларига риоя этилиши юзасидан назорат қилинишини таъминлаши ва тўлиқ жавоб бериши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2019 йил 20 ноябргача бўлган муддатда АГТКС, АГҚС ва АЁҚШларга, зарурат бўлганда, санитария-гигиена шохобчаларини куриш учун қўшимча ер участкалари ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги билан биргаликда санитария-гигиена шохобчалари ўз вактида қурилиши, шунингдек, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалар мавжуд бўлмаган АГТКС, АГҚС ва АЁҚСлар қурилиши ва уларни фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмаслиги бўйича назоратни;

2020 йил 1 марта бўлган муддатда АГТКС, АГҚС ва АЁҚСлар ҳудудида санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчаларини жиҳозлаш тўлиқ якунланишини;

2020 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ҳудудларда савдо шохобчалари, майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тез овқатланиш шохобчалари ва бепул wi-fi зоналари, шунингдек, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалари билан жиҳозланган биттадан намунавий АГТКС, АГҚС ва АЁҚС фаолият кўрсатиши ташкил этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги билан биргаликда сервис объектларини тадбиркорлик субъектларига бегараз асосда бериш учун “Service area” тоифасига (автомобилларга ёқилғи куйиш станциялари, умумий овқатланиш объектлари, мотеллар, техник сервис пунктлари, автомобилларни ювиш шохобчалари, дўконлар, санитария-гигиена шохобчалари ва wi-fi нуқталари) ва “Service point” тоифасига (автомобилларга ёқилғи куйиш станциялари, умумий овқатланиш объектлари, дўконлар, санитария-гигиена шохобчалари) ажратган ҳолда жойлаштиришнинг намунавий мастер-режасини икки ой муддатда жаҳон стандартларига мувофиқ ишлаб чиқсан;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда намунавий мастер-режанинг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминласин.

13. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномасига кўра, юридик шахслар сервис объектларини ташкил қилишда уларга сервис объектларидан 3 километр радиусда куйидаги тоифаларни З йил муддатга бегараз асосда ажратсин.

“Service area” – ташқи реклама объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун 5 та нуқта;

“Service point” – ташқи реклама объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун 2 та нуқта.

14. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда АГТКС, АГКС ва АЁҚСларда жисмоний ва юридик шахсларнинг санитария-гиgieneя шохобчалари санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб бермаслиги масалалари бўйича мурожаатларини қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг call-маркази фаолият қўрсатаётгани ҳакидаги ахборот тарқатилишини икки ой муддатда таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ўрнатилган санитария шохобчалари мос келмаслиги масалалари бўйича call-марказ орқали келган мурожаатлари тўғрисидаги ахборотни тегишли ваколатли органларга чоралар кўриш учун белгиланган тартибда тезкор етказсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда АГТКС, АГКС ва АЁҚСларга туташ худудларда 6.14 йўл белгиси белгиланган тартибда ўрнатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси худудий ишчи гурухлар билан биргаликда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туристик соҳани кўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари, конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мукофот фонди ва голибларга “Quality service” сертификати берилишини назарда тутувчи “Энг яхши АГТКС”, “Энг яхши АГКС” ва “Энг яхши АЁҚС” танловининг ўтказилишини ташкил қилсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсии.

19. Вазирлар Махкамасининг “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 9 мартағи 51-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С.Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “21” сентябрдаги
793-сон қарорига
1-илова

**АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчаларини жихозлаш
ва мавжудлигини ўрганиш ҳамда мониторинг қилишни ташкил этиш бўйича
республика ишчи гурӯҳи таркиби**

- | | |
|------------------|---|
| Ж.Л. Кўчкоров | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири. <i>Республика ишчи гурӯҳи ҳамраиси</i> |
| А.А. Абдухакимов | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, <i>Республика ишчи гурӯҳи ҳамраиси</i> |
| А.С. Султанов | – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири |
| А.К. Шадманов | – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазири |
| Б.И. Закиров | – Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири |
| М.Х. Солиев | – Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири |
| Н.С. Отабеков | – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси |
| Л.У. Аккулов | – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси вазифасини вақтингча бажарувчи |
| Н.Т. Агзамов | – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи |
| Б.Б. Ӯшмуратов | – “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси |
| Б.Б. Сидиков | – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси |
| У.Х. Сайдов | – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси |
| лавозими бўйича | – Ўзбекистон Республикаси монополияга карини курашиш кўмитаси хузуридаги истеъмолчилар ҳуқукларини ҳимоя қилиш агентлиги директори |
| лавозими бўйича | – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари |
| Ф.У. Давруков | – Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раисининг ўринбосари, <i>Республика ишчи гурӯҳи котиби</i> |

Изоҳ. *Республика ишчи гурӯҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегисли вазифаларни бажариш зиммасига юқланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил ~~21~~ сентябрдаги
793-сон карорига
2-илова

**АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчаларини жиҳозлаши
ва мавжудлигини ўрганиш ҳамда мониторинг қилишни ташкил этиш бўйича
худудий ишчи гурухларнинг намунавий рўйхати**

- лавозими бўйича** – капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, *худудий ишчи гурухлар раҳбарлари*
- лавозими бўйича** – Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари бошлиқлари. *Худудий ишчи гурухлар раҳбарларининг ўринбосарлари*
- лавозими бўйича** – Қорақалпогистон Республикаси соғлиқни саклаш вазири, вилоятлар соғлиқни саклаш бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар соғлиқни саклаш бош бошқармаси бошлиғи, *худудий ишчи гурухлар раҳбарларининг ўринбосарлари*
- лавозими бўйича** – Қорақалпогистон Республикаси курилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар курилиш бош бошқармалари бошлиқлари
- лавозими бўйича** – Қорақалпогистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсагиш бош бошқармаси бошлиғи
- лавозими бўйича** – Қорақалпогистон Республикаси транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқлари
- лавозими бўйича** – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг худудий бўлинмалари бошлиқлари
- лавозими бўйича** – “Худудгаёттаъминот” АЖнинг худудий газ стказиб бериш ташкилотлари раҳбарлари
- лавозими бўйича** – “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг худудий нефть базалари раҳбарлари
- лавозими бўйича** – “Ўзтрансгаз” АЖнинг худудий нефть базалари раҳбарлари
- лавозими бўйича** – Монополияга қарши курашини кўмитасининг худудий бошқармалари раҳбарлари
- лавозими бўйича** – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг худудларда туризмни ривожлантириш бўйича департаментлари директорлари (худудий бошқарма раҳбарлари), *худудий ишчи гурухлар котиблари*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “21” сентябрдаги
793-сон қарорига
3-илова

**АГТКС, АГҚС ва АЁҚСлардаги санитария-гигиена шохобчаларини жиҳозлаш
ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича тадбирларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Боскич-лар	Тадбирлар	Муддатлар	Субъектлар
1-боскич	Ушбу қарор талабларини бажариш жадвалини ишлаб чиқиш ва Республика ҳамда худудий ишчи гурухлар аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш.	уч кун муддатда	Республика ишчи гурухи
2-боскич	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчалари мавжуд бўлиши мажбурийлигини назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар, шунингдек, уларни куриш бўйича талабларни киритиши.	ўн кун муддатда	Курилиш вазирлиги
3-боскич	АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларни уларнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашмасдан, уларда санитария-гигиена шохобчаларининг мавжудлиги ҳамда санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқлиги бўйича тўлиқ хатловдан ўтказиш.	2019 йил 15 ноябрга кадар	Худудий ишчи гурухлари
4-боскич	Жисмоний ва юридик шахсларнинг санитария-гигиена шохобчалари санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб бермаслиги масалалари бўйича мурожаатларини қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг call-маркази фаолият кўрсатаётгани ҳакидаги ахборот тарқатилишини таъминлаш.	2019 йил 15 ноябрга кадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

5-боскич	<p>АГТКС, АГҚС ва АЁҚШларга, зарурат бўлганда, жамоат мақсадларига мўлжалланган санитария-гигиена шохобчаларини куриш учун кўшимча ер участкалари ажратиш.</p>	2019 йил 20 ноябрга қадар	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6-боскич	<p>1. Хатлов натижаларига кўра, АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда аникланган камчиликларни икки ой муддатда бартараф этиш тўғрисида, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига назорат учун талаблар юбориши. 2. Аввал қўйилган талабнинг тўлиқ бажарилганлигини ўрганиш ва ушбу талаб бажарилиши таъминланмаган ҳолатда эса, тегишли чоралар қўллаш тўғрисидаги қарорни тегишли органларга юбориши. 3. АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария-гигиена шохобчаларини жихозлаш бўйича бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотни Республика ишчи гурухига киритиш.</p>	2019 йил 1 декабрга қадар 2020 йил 10 февралга қадар 2020 йил 20 февралга қадар	Худудий ишчи гурухлари
7-боскич	<p>АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларда санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчаларининг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ишларини мувоффиклаштириш ва назорат қилиши.</p>	2020 йил 1 марта қадар	Республика ишчи гурухи
8-боскич	<p>АГТКС, АГҚС ва АЁҚСлар худудида санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчаларини жихозлашни тўлиқ якунлаш.</p>	2020 йил 1 марта қадар	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9-боскич	<p>Бажарилган ишлар натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига якуний ахборот киритиш.</p>	2020 йил 15 марта қадар	Республика ишчи гурухи

10- босқич	Худудларда савдо шохобчалари, майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тез овқатланиш шохобчалари ва бепул wi-fi зоналари, шунингдек, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда коидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалари билан жихозланган биттадан намунавий АГТКС, АГКС ва АЁКС фаолият кўрсатишини ташкил этиш.	2020 йил 1 сентябрга қадар	Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11- босқич	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туристик соҳани қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари, қонун ҳужжатларида такиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мукофот фонди ва галибларга “Quality service” сертификати берилишини назарда тутувчи “Энг яхши АГТКС”, “Энг яхши АГКС” ва “Энг яхши АЁКС” танловининг ўтказилишини ташкил килиш.	2020 йилдан бошлаб хар йили	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Худудий ишчи гурух

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 сентябрдаги
793-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль ённлғиси куйиш шоҳобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сои қарорининг 4-бандида:

а) учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён килинсин:

“нефть маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги шартнома АЁҚС эгалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа хавфсизлиги давлат қўмитаси, “Ўзнефтгазинспекция”, Ўзбекистон Республикаси Фавақулодда вазиятлар вазирлигининг ёнгин хавфсизлиги бошкамалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси худудий бўлинмаларининг АЁҚС меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талаблари, ёнгинга карши татаблар, нефть маҳсулотларини қабул қилиш, саклаш, ҳисобини юритиш ва тарқатиш талабларига мувофиқлиги, шунингдек, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шоҳобчалари мавжудлиги тўғрисидаги тегишли хулосалари тақдим этилган ҳолда тузилади”;

б) олтинчи хатбошига “ёнгин хавфсизлиги” сўзларидан кейин “шахарсозлик нормалари ва қоидаларига” сўzlари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги 444-сон қарори билан тасдиқланган Нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг “а” кичик бандига “шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ куйиш станцияларида санитария ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шоҳобчаларининг мавжудлиги” сўzlари қўшилсин;

б) 14-бандга қўйидаги мазмундаги “и” кичик банди қўшилсин:

“и) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги худудий санитария-эпидемиология осойишталиги марказларининг автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ куйиш станциялари орқали газ (шу жумладан, сиқилган табиий газ ва суюлтирилган углеводород гази) сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишда санитария-гигиена шоҳобчаларининг санитария норма ҳамда қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси”.